

УДК 372.817

**КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА АХЛОҚИЙ ҲИСЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ОМИЛЛАРИ**

М. Каримова

Тошкент давлат педагогика университети

E-mail: m-karimova@inbox.uz

Мамлакатимиз халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – бу озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Албатта, ушбу ғояни амалга оширишда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий йўналишларни ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутди. Ушбу йўналишларни ривожлантириш эса бугунги кунда тайёрланаётган кадрларга боғлиқ бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асосий вазифамиз «...мустақил дунёқарашга эга, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – қомил инсонни тарбиялашдан иборат», эканлигига алоҳида эътибор қаратганлар (Каримов, 2000).

Ахлоқ-одоб инсоннинг жамиятга бўлган муносабатининг негизини ташкил этади. Ўқувчида жамиятга бўлган ҳурмат ҳиссини юксалтириш мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, маънавий ахлоқий маданият эгаси бўлишга, ахлоқий онгни, ўзини ўзи англаб етишга, яхши инсонларга бўлган эътиқодини

ривожлантиришга олиб келади. Айниқса, ахлоқий ҳислар болаларда ёшлигидан ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти "...инсон ўзлигини англаши, насл-насабини чуқурроқ англагани сари юрагида ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади" дея таъкидлайди. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ҳар бир даврда жамиятнинг асосий вазифаси бўлиб келган. Чунки, ахлоқий пок, шахси гўзал бўлган халқнинг маънавияти ҳам юксак ҳисобланган (Каримов, 2000).

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Ахлоқий ҳислар ҳақида сўз юритишдан олдин ахлоқ ва ҳиссиёт тўғрисида қисқача сўз юритайлик. Ахлоқ – ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, унинг моҳияти, шахс хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, турмуш тарзи, ҳаёт кечириш тамойиллари, қоидалари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмунини ифодалайди. Шу боис, ахлоқ ижтимоий ҳодиса сифатида жамият маънавий-руҳий ҳаётида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга. Муайян миллат қиёфаси, унинг кишилиқ тараққиётидаги ўрни белгиланаётган жараёнда мазкур тушунча асосий мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

«Ахлоқ» тушунчаси омма фикри асосида тартибга солувчи фаолият тарзида кишилиқ жамиятининг илк босқичида шаклланган. Қадимданок ижтимоий-фалсафий, психологик, педагогик, тарихий, бадний, этнографик ва маданиятшуносликка оид асарларда ушбу тушунча турли қўламда ишлатилиб келинган. Ахлоқ (арабча хулқ-атвор демакдир) - ижтимоий онг шаклларида бири, ижтимоий тартиб-қонда бўлиб, бу тартиб-қонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш вазифасини бажаради. Тадқиқот ишида суҳбат, анкета сурови, илмий-методик таҳлил ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Шарқ уйғониш даврида инсон муаммоси маънавият соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган, яратилган асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий-руҳий камолотини улуглаш етакчи ўрин тутган. Инсонпарварлик ғоясини амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида юксак ахлоқий одатлар, инсоний муносабатлар ва ҳислатларни таркиб топтиришга олиб келувчи таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қўйилган. Зеро, инсоний ғоясида юксак ахлоқий ҳислатлар ифодалангани учун ҳам Шарқ уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълим-ахлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг, буюк мутафаккирларнинг, ҳам тарихчи, шоир ва адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлган. Таълим-ахлоқий рисоалар пайдо бўлиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт саодатга эришув ҳақида», «Ахлоқ ҳақида рисола», «Ишқ рисоласи», «Қутадғу билиг», «Хиббатул ҳаққойик», «Қобуснома», «Гулистон», «Бўстон», «Маҳбуб ул-қулуб» каби Фаробий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юганкий, Тусий, Давоний, Кашифий, Кайковус, Жомий, Алишер Навоийларнинг таълим-ахлоқий асарлари инсон шахсини маънавий-ахлоқий муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга (Хайруллаев, 1971).

Шарқ уйғониш даври таълимий-дидактик асарларида инсон шахсининг камол топиши йўллари, усуллари баён этилди. Бу даврда касб-хунар ўрганиш илм ўрганиш билан баб-баробар талаб этилди. Инсонни камолотга етказувчи ахлоқий ҳислатлар сифатида дўстлик, садоқат ва вафо, севги ва муҳаббат, ватанпарварлик, самимийлик, саховат, мурувват, эркинлик, иродалик, жасурлик кабилар илгари сурилади.

Жумладан, бола тарбияси борасида XI асрда яшаб, ижод этган машҳур мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» номли асарида кенг тўхталиб ўтади. "Қутадғу билиг"нинг тадқиқотчиларидан бири Б.Тўхлиев таъкидлаганидек, Юсуф Хос Ҳожиб "Комил инсон ҳақида гапираётган экан, камолотнинг қатор белгиларини кўрсатиб ўтади. Уларнинг энг асосийси алоҳида шахснинг ўз манфаатлари, шахсий истаклари доирасини ёриб чиқиб, бошқалар ғами билан яшаши, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишдир", дейди. Мутафаккир ўзининг олижаноб орзу-умидлари, эзгу идеалларини кишиларда ахлоқий ҳисларнинг шаклланиши билан боғлайди. У ўз олдига баркамол инсонни табиълаш ғоясини мақсад қилиб қўяди. Инсондаги мукаммаллик эса унинг ҳусни, хулқи билан боғлиқ дейди. Уларнинг замирида эга эзгулик ҳислари ётади. Юсуф Хос Ҳожиб кишиларни икки тоифага бўлади: бири эзгу ҳислатли, иккинчиси ёмон ҳислатли кишилардир (Иномова, 1999).

Бу билан яхши ёки ёмон бўлиш инсоннинг ўзига боғлиқлигини таъкидлайди. Шунингдек, у оилада фарзанд тарбиясида меҳр-муҳаббат ҳисларнинг ролига алоҳида эътибор беради. У реал, дунёвий муҳаббатни тарғиб қилади. У муҳаббатни ҳисларини мавҳум тушунча эмас, балки оилавий ҳаётнинг

негизи деб ҳисоблайди. Мустаҳкам оила куриш учун жисмоний балоғат ҳисларининг ўзи кифоя қилмайди, балки, маънавий камолотга ҳам эришган бўлиши лозимлигини уқтиради.

Абу Наср Форобий Шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккири эди. Унинг фикрича, инсоннинг бошқа жонли мавжудотдан фарқ қиладиган томони ақл билан ахлоқи, хулқи ва одобидир. Чунки ахлоқ ҳақида фикр юритиш инсонни, инсонийлик ҳисларини ўрганишдан иборат. Шу боис унинг илмий фаолиятида ахлоқшунослик муҳим ўрин тутди. Умуман, Шарқ уйғониш даврининг барча мутафаккирлари ижодида, уларнинг гуманистик дунёқараши тизимида инсоний ҳисларни ўрганадиган ахлоқ ажралиб турган. Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида ахлоқ-одобга лойиқ инсон икки фазилатига эга бўлмоғи лозимлиги ва бу фазилатлар таркибида муомала одоби, инсонларнинг ўзаро бир-бири билан ҳуш мулоқотлиги, дўстлиги қабиларни киритади. Мутафаккирнинг фикрича, инсонга уни гўзал амаллар қилиши учун йўналтириладиган одат маҳсули бўлишига етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги ҳатти-ҳаракатларда меъёр қай даражада сақланганлиги билан белгиланади. Одоби эса у бадавлатнинг давлатини безайдиган ва камбағалнинг камбағаллигини ўғирлайдиган ахлоқий ҳодиса сифатида таърифлайди.

Одамнинг ахлоқий ривожланиш жараёни унинг бутун умри давомида давом этади. Лекин болалик ва ўспиринлик даври ривожланишнинг энг интенсив ва самарали вақти бўлиб, мактабгача ёш давридан бошланган ахлоқий тарбия ўспиринлик даврида малъум миқдорда тугалланганлик шаклини ҳосил қилади. Ўспиринлик даврида ахлоқий нуқтаи назар, ахлоқий эътиқод, дунёқарашнинг бирлашуви шахсни мустақил ва онгли равишда ахлоқий ҳатти-ҳаракат қила олишдан далолат беради.

Ўспиринлик даври ахлоқийликни шакллантиришнинг энг қулай даври ҳисобланади. Бу даврда бола интизомга, билимга, тарбияга, янги билимлар олишга чанқок бўлади. У ўзини мустақил равишда янги ҳаётга тайёрлай бошлайди. Ўспиринликда бола атроф-муҳит қонуниятларини билишга интилади, эзгулик ва ёвузликни фарқлайди. Ўспиринлик даврида биз ўқувчига ўқувчидай эмас, балки катта одамларга муомала қилгандек муносабатда бўлишимиз лозим, буни биздан ўспириннинг ўзи ҳам талаб этади. Биз унинг фикр, дунёқараши эътиқоди, ҳиссиётларига қулоқ солишимиз, керак жойда ўз маслаҳатларимизни беришимиз керак.

Бу даврда ўсмирликда шаклланган ахлоқий тушунча ва тасаввурлар фаолият жараёнида, шахслараро муносабатларда намоён бўла бошлайди. Кўникма, одат, муносабат, хусусият, ҳислат, эътиқод ва дунёқарашлар ахлоқийликнинг ўзаро боғлиқ жиҳатидир.

Бугунги кун фарзандларида миллий туйғу, ўз халқига унинг анъаналарига, тили, маданиятига муҳаббат ва ҳурматни, миллий умуминсоний қадриятлар асосида тарбияланмаслик жамият равнақи энг муҳими эртанги кунга эътибор бермаслик демакдир. Зеро, буларни аввал оилада, сўнгра таълим-тарбия муассасаларида шаклланиши ҳеч кимга сир эмас. Ўқувчида ахлоқий сифатларни ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар шулар десак хато қилмаймиз.

Ўқувчиларни ахлоқий ривожланиши уларда ахлоқий билим, малакаларни, қарашлар ва тушунчаларни шакллантиришда иккита асосий элемент катта аҳамиятга эга бўлиб улар ўз ичига қуйидагиларни киритади: когнитив, эмоционал муносабатлар. Ана шу муносабатларни ўзида намоён қиладиган методикалардан бири “Тугалланмаган гап” методикаси бўлиб, биз ушбу методикани касб-хунар коллежининг 1-курс ўқувчиларига тавсия этдик. Ушбу методикада 1 курснинг 130 нафар ўқувчилари қатнашган.

“Тугалланмаган гап” методикасидаги муносабатларни ифодаловчи гаплар жадвали

N	Муносабат номи	Гапнинг тартиб номери
1.	Ота-онага ҳурмат-эътибор	14,29,44,59,16,31,43
2.	Дўстлик, биродарлик	8,23,58,53
3.	Коллеж раҳбарияти ва ўқитувчиларга бўлган муносабат	6,21,36,51
4.	Хавотирланиш, қўрқув	7,22,37,52
5.	Ўз-ўзига бўлган муносабат	15,30,45,60,2,27,32,47
6.	Онлавий ҳаётга бўлган муносабат	11,26,41,56
7.	Қизлар ва йигитларга бўлган муносабат	10,25,40,54
8.	Ўтмишга бўлган муносабат	9,24,29,39,55
9.	Келажакка бўлган муносабат	5,20,35,50,3,18,33,48

“Тугалланмаган гап” методикаси энг кўп тарқалган проектив методикалардан бири бўлиб, биз ўз тадқиқотимизда Спра ва Кубичик тавсия этган 60 та тугалланмаган гапли вариантни танладик ва уни касб-хунар коллежи ўқувчиларига мослаштирдик. “Тугалланмаган гап” методикасини ўтказишдан мақсад ўқувчилардаги инсонийлик, дўстлик, меҳр-окибатлилик, ватанпарварлик, ҳақгўйлик, камтарлик каби ахлоқий фазилатларни ота-она, дўсту – биродар, ўқитувчилар, оилавий ҳаёт, қарама-қарши жинсдаги тенгдошлар, ўз-ўзига бўлган муносабат орқали аниқладик. Юқорида айтиб ўтган фикрлар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (Сувонов, Нурумбекова, 2015).

Ушбу методикани ўқувчиларга тавсия этиб, улардан тўлдирилган гапларни йиғиб олганимиздан сўнг ўқувчиларни у ёки бу масаладаги фикрлари ҳақида маълумотга маълум миқдорда эга бўлди. Хусусан, педагогик коллеж ўқувчилари ўз тенгдошларига нисбатан объектив муносабатлар ва бу 80,9% тўлдирилган гапларда ўз ифодасини топган.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларида ахлоқий фазилатларни аниқлашда “Тугалланмаган гап” методикаси орқали олинган натижалар

Гуруҳлар	Муносабатларнинг тартиб рақами								
	1	2	3	4	5	6	7	8	9
1 гуруҳ	78%	64%	100%	21%	62%	57%	53%	69%	100%
2 гуруҳ	11%	28%	-	79%	23,7%	24%	29%	31%	-
3 гуруҳ	11%	8%	-	-	14,3%	19%	18%	-	-

“Тугалланмаган гап” методикасидаги биринчи мезон ўқувчиларнинг ота-онасига бўлган муносабатни кўрсатиб, ушбу мезон бўйича тадқиқ қилинувчилар уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга максимал ижобий жавоблар берган ўқувчилар кирган бўлиб улар умумий тадқиқ қилинувчиларнинг 78%, иккинчи гуруҳга 7 та гапдан 5-4 тасига ижобий баҳо берганлар кириб, бу гуруҳдаги 11% ўқувчилар ўз ота-оналари ҳақида ижобий фикрлар билан бирга уларнинг камчиликларини очишга қаратганлар. Учинчи гуруҳга фақатгина 2-3 ижобий фикр билдирган ўқувчилар кирган бўлиб, улар 11%ни ташкил этди.

Методиканинг иккинчи мезони ўқувчиларни дўстлик, биродарлик муносабати кўрсатиб, ушбу мезон бўйича тадқиқ қилинувчилар уч гуруҳга ажратдик. Биринчи гуруҳга максимал ижобий жавоблар берган ўқувчилар кирган бўлиб, улар умумий тадқиқ қилинувчиларнинг 64%ни ташкил этди, иккинчи гуруҳга кирган ўқувчилар 28%ни ташкил этдиб, 2-3тагина гапга ижобий фикр билдирган. Учинчи гуруҳга кирган ўқувчилар 8%ни ташкил этди.

Учинчи мезон бўйича олинган натижаларни таҳлил қилар эканмиз, бу борада деярли 100% ўқувчилар коллеждаги ўқитувчилар ва коллеж раҳбариятидан мамнун эканлигини ёзганлар.

Тўртинчи мезон – бу ўқувчиларни хавотирланиш, кўркувга бўлган муносабатини билдириб, бу мезон бўйича олинган жавоблар икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга ўз-ўзига, кучи ва имкониятига тўла ишонч билдирган ўқувчилар кирган бўлиб, улар тадқиқ қилинувчиларнинг 21%ни ташкил этди. Иккинчи гуруҳга хавотирланиши жуда юқори бўлган ўқувчилар киритилиб улар 79%ни ташкил этди.

Бешинчи мезон – бу ўқувчиларнинг ўз-ўзига бўлган муносабатини намоён қиладиган гаплардан иборат бўлиб, ушбу мезон бўйича ўқувчилар фикрини уч гуруҳга ажратдик. Биринчи гуруҳга кирган ўқувчилар ўз имкониятлари, иқтидори ўқишга бўлган муносабатини тўғри баҳолашга интилан. Улар 62%ни ташкил этадилар. Иккинчи гуруҳга 23.7% ўқувчилар киритилган. Учинчи гуруҳга 14.3% ўқувчилар кирган.

Олтинчи мезонимиз ўқувчиларнинг оилавий ҳаётга бўлган муносабатларини ўзида акс эттирган бўлиб, ушбу мезон бўйича олинган натижаларни уч гуруҳга ажратдик. Биринчи гуруҳга кирган ўқувчилар 57% ни ташкил этиб, уларда оилавий ҳаётда барча қийинчиликларни енгиш орқали бахтли бўлиш мумкинлигини ўз фикрларида баён қилганлар. Иккинчи гуруҳга кирган ўқувчилар 24% ташкил этган бўлиб, уларда оилавий ҳаёт олдидаги хавотирланиш, кўркув борлиги аниқланди, учинчи гуруҳга кирган 19,5% бу ўқувчи бу ҳақда бирор бир аниқ фикр билдира олмаслигини баён қилган.

Еттинчи мезон ўқувчиларни қарама-қарши жинсдаги тенгдошларга бўлган муносабатини кўрсатишга қаратилган бўлиб, унда ҳам ўқувчилар фикрини уч гуруҳга ажратдик. Биринчи гуруҳга ўз тенгдошлари ҳақида фақат ижобий фикр билдирган ўқувчилар кирган бўлиб, улар ўқувчиларнинг умумий сонинг 53%ни ташкил этди. Иккинчи гуруҳга ўз тенгдошлари камчиликларини баён этган

фикрлар кўпроқ учраб унга 29% ўқувчи ва учинчи гуруҳга ҳозирги тенгдошларига нисбатан салбий муносабатларни билдирган ўқувчилар кирган бўлиб, улар 18%ни ташкил этди.

Методикамиздаги саккизинчи мезон ўқувчиларнинг ўзларидан катта ёшдаги кишиларга бўлган муносабатни ифодалашга қаратилган. Ушбу гапларда ўқувчилардаги меҳр-оқибат, инсонийлик, катталарга ҳурмат фазилатларини намоён қилишга ҳаракат қилинган ва натижалар ўқувчиларнинг берган жавоблари натижасида улар икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга кирган 69% ўқувчи катталарга албатта ёрдам беришини айтган. Иккинчи гуруҳга кирган 31% ўқувчи эса катталарга ҳар доим ҳам уларга ёрдам бериш имкониятига эга эмасликларини ёзганлар.

Тўққизинчи мезон ўқувчиларнинг ўтмишга бўлган муносабатини ифодаладиган гаплардан иборат бўлиб, деярли 100% ўқувчи агар қайтадан яна биринчи синф ўқувчиси бўлиб қолсам ўқишга жиддий муносабатда бўлиб, бой берган имкониятларни тиклаб олардим, деган фикр билдирганлар.

Хуллас, ахлоқийлик кишининг энг яхши фазилатларидан бири бўлиб, инсон уни одамлар орасида намоён этади. Ахлоқийлик ҳалол ва савоб ишларга, одамларни ҳурмат иззатини жойига қўйишга, аёлларни ҳурмат қилишда, ҳамжиҳатликда, дўстликда, ота-онани рози қилишда яхши ишда намоён бўлади. Ана шу яхши ишларни очиш, фаоллаштиришда дарс ва дарсдан ташқари олиб борадиган тадбирларнинг роли каттадир.

Адабиётлар рўйхати:

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.- 25 б.

Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. - Т.: 1999. - 62 б.

Сувонов О., Нурумбекова Я. Педагогика тарихи, ўқув-услубий мажмуа.- Гулистон, 2015. -300 б.

Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Т.: Ўзбекистон, 1971. - 304 б.

Аннотация

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА АХЛОҚИЙ ҲИСЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

М. Каримова

Мақолада Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий ҳислар ҳақидаги қарашлари ва ўспиринлик даврида ахлоқий ҳисларнинг ривожланиши ҳақидаги фикрлар, шунингдек, “Тугалланмаган гап” методикаси орқали касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида ахлоқий ҳисларни ривожлантириш омиллари баён этилган.

Таянч сўзлар: Ахлоқ, одоб, ҳис-туйғу, ўспиринлик даври, метод, методика, ривожлантириш омилли.

Аннотация

ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ МОРАЛЬНЫХ КАЧЕСТВ У УЧЕНИКОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОЛЛЕДЖЕЙ

М. Каримова

В статье обсуждаются идеи Восточных мыслителей по поводу моральных качеств и развитие моральных качеств подростков. А также рассматриваются факторы развития моральных качеств учеников профессиональных колледжей посредством методики «Неоконченное предложение».

Ключевые слова: мораль, воспитание, чувство, подростковый возраст, метод, методика, факторы развития.

Summary

FACTORS OF DEVELOPING MORAL QUALITIES OF VOCATIONAL COLLEGE STUDENTS

M. Karimova

The article is devoted to the discussion of the problems of developing moral qualities of vocational college students. The author reviews the views of Eastern thinkers on the problems of moral development and adolescent's moral qualities. The authors also discuss the methodology of developing moral qualities of college students through “Unfinished sentence” method.

Key words: morality, upbringing, sense, adolescent age, method, methodology, factors of development.